

Б. Мадаминов

Р. Саломов

# ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА УСЛУБИЯТИНИНГ АМАЛИЁТИ



Б. Мадаминов

Р. Саломов

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ  
НАЗАРИЯСИ ВА  
УСЛУБИЯТИНИНГ  
АМАЛИЁТИ**

“Мұхаррір” нашриёти

Тошкент

2013

УДК: 796.81  
ББК: 75.715  
М 48

Мадаминов Б.

Жисмоний тарбия назарияси ва услубиятининг амалиёти / Б. Мадаминов, Р. Саломов. – Тошкент: «Мухаррир» нашриёти, 2013, 132 б.

И. Саломов, Р.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг институтларо илмий-услубий кенгаши (*баённома № 2, 2006 й.*) ва НамДУ ўқув-услубий кенгashi (*баённома №5, 2011 й.*) томонидан тасдиқланган.

**Тузувчилар:** Мадаминов Б. Ш. – педагогика фанлари номзоди.  
Саломов Р. С. – педагогика фанлари доктори, профессор.

**Тақризчилар:** Усмонходжаев Т. С. – педагогика фанлари доктори, профессор.  
Бойбобоев Б. Ф. – педагогика фанлари номзоди.  
Абдуллаева М. – педагогика фанлари номзоди.

Жисмоний тарбия назарияси ва услубиятининг амалиёти  
(*Жисмоний тарбия институти ва жисмоний тарбия факультетлари талабалари учун ўқув қўлланма*)

Жисмоний тарбия назарияси ва услубиятининг амалиёти бўйича ёзилган ушбу қўлланма бўлажак ёш жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларига педагогик фаолиятларида эгаллаган назарий билимларини амалиётга жалб килишда ёрдам беради.

ISBN - 978-9943-25-188-5

© Б. Мадаминов, Р. Саломов  
© «Мухаррир» нашриёти,  
Тошкент, 2013.

## К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикасида мустақил ҳукуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти куриш йўлидаги улкан ишлар инсон моҳиятини янгидан қашф қилишга, унинг ўзлигини англашда имкониятларни рӯёбга чиқаришга ва маънавий интеллектуал, ақлий-амалий ривожланиши учун янги шарт-шароитлар яратиб беради. Бу ўз навбатида инсоният яратган маънавий-илмий бойликларга, инсоннинг ўзига янгича муносабат ёндашувини юзага келтиради. Президентимиз И. А. Каримов айтганидек: «Фуқаролар энди ижтимоий-иктисодий жараёнларнинг иштирокчиси, бажарувчиси эмас, балки бунёдкори ва ташкилотчисидир». Бундай янгича ёндашишлар жисмоний тарбия назарияси ва услубияти фанининг обьекти ва предметини кенгайтиради.

Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти фани факат таълим-тарбия жараёнини назарий, методик-амалий жиҳатдан таъминловчи фан эмас, балки умумий томонлари билан комил инсон шаклланишини, ривожланишини таъминловчи кенг соҳаларни ўз ичига олади. Шунинг учун кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги миллий таълим моделида шахсга кадрлар тайёрлаш тизими-нинг бош субъекти ва обьекти сифатида қаралади. Маълумки, жисмоний тарбия назарияси ва услубияти фани тарбия ҳамда таълимнинг инсон ривожи, шахс камоли ва мутахассис шаклланишида таълим тизими ўз ичига олмайдиган этник, антропологик, генетик, тарихийлик, мустақиллик, табиий-экологик, интуитив, руҳий-хиссий билиш, ривожланиш, комиллик омилларига ҳам суюнади. Бундан ташқари, жисмоний тарбия назарияси ва услубияти фани олдига янгича фикрлаш, янгича тафаккур, миллий мағкурунинг кенг қамровли сифатларини шакллантириш вазифалари қўйилди.

Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти таълим-тарбияда, ҳаёт жараённинг ҳамма соҳаларини, жабҳаларини қамраб олма-

са, у ўзининг комил инсон тарбиясидаги жуда катта имкониятларга эга бўлган асосий ижтимоий фан мавқенини эгаллай олмаган бўлади. Шунинг учун ҳам янги таълим концепциясида ва мутахассислар тайёрлаш миллий дастурида таълим ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналиши қилиб белгиланди.

Шу сабабли ушбу ўкув қўлланма талabalар билан аудиторияда мустақил ишлаш, билимни аниқлашда жорий босқичли ва якуний назорат ўтказиш, семинарларга, методик машғулотларга, синов ва имтиҳонларга тайёргарлик кўришга йўналтирилган. Талabalарнинг иш жараёнидаги фаолияти, асосан, мустақил ишлашга қаратилган (ўқитувчи фақат ташкилий ва маслаҳатчи вазифасини бажаради) бўлиб, дарс якунида сон ва сифат жиҳатидан таҳлил қиласи ва баҳолайди.

## **I ҚИСМ. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА УСЛУБИЯТИ**

### **1-мавзу: Жисмоний тарбия назарияси ва услубиятига умумий тавсиф.**

#### **Назорат тестлари**

1. Куйидагилардан қайси бири ўргатиш, жисмоний сифатларни тарбиялаш, махсус билимларни ўз ичига олади:

- а) жисмоний маданият;*
- б) жисмоний тайёргарлик;*
- в) жисмоний тарбия;*
- г) жисмоний таълим;*
- д) жисмоний камолот.*

2. Жисмоний тайёргарлик натижаси қуйидагиларнинг қайси бирида аник кўрсатилган:

- а) шахснинг жисмоний ривожланиши;*
- б) жисмоний тарбия;*
- в) жисмоний тайёргарлик;*
- г) жисмоний камолот;*
- д) жисмоний маданият.*

3. Жисмоний маданият атамасини аник акс эттирувчи тушунчани кўрсатинг?

- а) жисмоний маданият - жамият ва шахс маданиятининг таркибий қисми бўлиб, унинг махсус мазмунининг негизи, инсон фаолиятидан аник фойдаланишини ташкил қиласа, амалиётда жисмоний тайёргарлик, жисмоний ҳолат ва ривожланишини оптимал равишда уйлаш демакдир;*
- б) инсоннинг жисмоний сифатларини ривожлантириш кўрсатичлари;*
- в) инсоннинг жисмоний ҳолатини оптималлаштиришга ва шу ҳаракатнинг натижаларига йўналтирилган фаолиятидир;*
- г) ҳусусий мусобақалашини фаолияти бўлиб, унга махсус тайёргарлик ҳамда шу фаолият асосида келиб чиқадиган ўзига хос муносабатлар, нормалар ва ютуқларнинг йизиндиндисидир;*
- д) жисмоний гармоник ривожланишининг оптимал ўлчами, ҳар томонлама ижтимоий тайёргарлик.*

4. «Жисмоний тарбия»нинг аниқ кўрсатувчи атамасини кўрсатинг:

- а) жисмоний тарбия маданиятини ривоҷлантириши ва фойдаланиши масалаларига йўналтирилган ижтимоий оқум;
- б) ўз ҳаракатларини бошқаришини мақсадга мувофиқ йўлларини ўзлаштириши ҳаётий зарур бўлган ҳаракат, кўникма ва малакаларини эгаллаш;
- в) тарбия тури инсон жисмоний сифатларини тарбиялаш ва ҳара-катларга ўргатишга қаратилган педагогик жараёндир;
- г) жисмоний ривоҷланишининг оптималь ўлчови ва ҳар томонлама ижтимоий тайёргарлик;
- д) жисмоний тарбия.

5. Жисмоний таълим тушунчаси мазмунининг асосини нима ташкил этади?

- а) ҳаётий зарур ҳаракат кўникма малакалари ва улар билан бөглиқ бўлган билимларни эгаллаш;
- б) маҳсус жисмоний тарбия билимларини шакллантириши;
- в) инсон организми шакли ва функциясини гармоник ривоҷлантириши;
- г) инсон жисмоний сифатларини ривоҷлантириши ва такомилаштириши;
- д) жисмоний шаклларни ўрганиши.

6. Жисмоний ривоҷланиш кўрсаткичларига нималар кира-ди?

- а) инсон жисмоний сифатларининг ривоҷланиши кўрсаткичлари;
- б) жисмоний тайёргарлик ва спорт натижаларининг умумий даражаси;
- в) соглиқ кўрсаткичи, тана тузилиши ва ҳаёт учун керак бўлган ҳаракат кўникма ва малакалар фонди;
- г) тана тузилиши, соглиқ, жисмоний сифатларни ривоҷланишии кўрсаткичлари;
- д) инсон фазилатлари.

7. Инсон ҳаётининг ҳар бир дакикасида тананинг табиий мор-фофункционал хусусиятларининг йигиндисини нималар белги-лайди?

- а) жисмоний таълимот;
- б) жисмоний ҳолат;
- в) жисмоний ривоҷланиши;
- г) жисмоний тайёргарлик;
- д) жисмоний камолот.

### 8. Спорт кенг маънода бу ...

- а) хусусий мусобақалашши фаолияти бўлиб юқори кўрсаткичларни намойиш этишга, объектив таққосланган маҳсус мослаштиришига ва инсоннинг айрим имкониятларини баҳолашга йўналтирилган;
- б) ишининг жисмоний ҳолатини оптималлаштиришга ва шу ҳаракатнинг натижаларига йўналтирилган фаолиятдир;
- в) хусусий мусобақалашши фаолияти бўлиб, тарихий жисмоний маданият соҳасида мусобақа турига асосланган;
- г) хусусий мусобақалашши фаолияти бўлиб, унга маҳсус тайёргарлик ҳамда шу фаолият асосида келиб чиқадиган ўзига хос муноса-батлар, нормалар ва ютуқларнинг йигиндисидир;
- д) спорт бу яккакураи турларига киради.

9. Кўрсатилган қайси тушунча ҳаракатга ўргатиш ва жисмо-ний сифатларни тарбиялашда педагогик жараённи билдиради?

- а) спорт;
- б) жисмоний ривожсланиш;
- в) жисмоний маданият;
- г) жисмоний тарбия;
- д) ёшлар спорти.

10. Жисмоний тарбия назарияси ҳозирги кунда неча бўлим-дан иборат?

- а) 2 та;
- б) 5 та;
- в) 3 та;
- г) 4 та;
- д) б та.

Назорат тестлари бўйича танлаган жавобларингизни жадвалга (жавоблар ва рақасига) ёзинг.

|                        |   |   |   |   |   |   |   |   |   |    |
|------------------------|---|---|---|---|---|---|---|---|---|----|
| Саволлар тартиб рақами | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| Жавоблар               |   |   |   |   |   |   |   |   |   |    |

## **Мустакил ишлаш учун вазифалар**

1. Жадвалнинг 2-устунида жисмоний тарбия назариясининг асосий атамалари келтирилган, учинчисида - уларнинг мазмунни ихтиёрий тартибда берилган. Учинчи устундаги тўғри жавобларни топиб, ҳар бир атама тўғрисидаги 1-устунга тартиб ракамини ёзинг.

| Жавоб тартиб раками | Атама (тушунча)               | Мазмуни   |
|---------------------|-------------------------------|---|
|                     | Жисмоний таълим               | 1. Инсоннинг идеал жисмоний тайёргарлигини тарихий белгиланган ҳамда ҳаёт талабига оптимал равишда жавоб берадиган  |
|                     | Жисмоний сифатларни тарбиялаш | 2. Индивидуум ҳаёти давомида унинг организмининг улгайиши, мосланиши ва кейинги ўзгаришлари, ҳамда уларга асосланган жисмоний сифат ва қобилиятларнинг морфофункционал ҳусусиятлари жараёни |
|                     | Жисмоний тайёргарлик          | 3. Мусобака фаолияти, унга маҳсус тайёргарлик, шунингдек, инсонларо муносабатлар ҳамда уларга хос меъёрлар  |
|                     | Жисмоний ривожланиш           | 4. Инсонда ҳаракат билим ва кўнникмаларнинг шаклланиш жараёни, шунингдек, маҳсус жисмоний тарбия билимларини кейинги авлодга етказиш  |
|                     | Жисмоний камолот              | 5. Жисмоний сифатларни тарбиялаш ва ҳаёти учун мухим ҳаракатларни эгаллаш жараёни   |
|                     | Спорт                         | 6. Инсоннинг жисмоний сифатлари ривожланишига меъёрланган функционал юкламалар воситасида аниқ мақсадли таъсир кўрсатиш   |

2. Замонавий жисмоний камолотга эришган кишининг энг керакли аниқ кўрсаткичларини ёзинг.

3. Инсоннинг жисмоний ривожланиши жараёни нима билан аниқланади? Нимага бўйсуниш қонунларини ёзинг.

**2-мавзу: Ўзбекистон Республикасида  
жисмоний тарбия тизими.  
Назорат тестлари**

1. Жисмоний тарбия тизими атамасини қайси тушунча аниқ акс эттиради?

а) жисмоний тарбия тизими жисмоний тарбиянинг гоявий, илмий методик негизлари бирлигидан, шунингдек, республика фуқароларининг жисмоний тарбиясини амалга оширадиган ва назорат қиласадиган ташкилотлар ва муассасаларнинг бирлигидан иборатдир;

б) жисмоний тарбия тизими ташкил этилган ижтимоий оқум бўлиб, жисмоний маданиятни жамиятнинг мақсадларига мувофиқ режсалаштириш ва татбиқ этишига йўналтирилган;

в) жамиятда жисмоний тарбия маданиятини ривожлантириши ва фойдаланиши мақсадларига йўналтирилган ижтимоий оқум;

г) жамиятнинг яшаш қонуни ва билимни эгаллашига асосланган ҳолда, фикрлаш қобилияти орқали борлиқни аниқлаш;

д) инсон жисмоний сифатларини ривожлантириши ва такомиллаштиришга қаратиган.

2. Жисмоний тарбия, мажбурий давлат жисмоний тарбия ва спорт дастури орқали амалга оширилади. Бу дастурлар нималарни ўз ичига олган?

а) разряд нормативлари ва спорт турлари бўйича талаблар;

б) жисмоний машгулотларни услугити;

в) жисмоний тарбия тизимининг умумий ижтимоий педагогик тамоилларини;

г) илмий асосланган жисмоний тарбиянинг вазифалари ва воситаларини ўрганиши учун керакли қўнишка ва малакалар мажмуасини, унинг норма ва талаблар рўйхатини.

3. Жадвалга жисмоний тарбиянинг маҳсус ва умумпедагогик вазифаларини ёзинг.

| Махсус вазифалар  | Умумпедагогик вазифалар   |
|---|---------------------------|
| Инсон жисмоний ривожланишини оптималлаштириш бўйича вазифалар | Махсус таълимий вазифалар |
| 1.  | 1.                        |
| 2.  | 2.                        |
| 3.  | 3.                        |

4. Жадвалга жисмоний тарбия тизимининг ижтимоий педагогик тамойилларини ёзинг ва уларни очиб беринг.

| Жисмоний тарбия тизими-<br>нинг умумий тамойиллари | Тамойилларининг тавсифи |
|--|-------------------------|
|  |                         |
|  |                         |
|  |                         |

**З-мавзу: Жисмоний тарбия жараёнида шахснинг  
йўналтирилган шаклланиши.  
Назорат тестлари**

1. Методологик ва ташкилий кўрсатманинг тарбиявий инструментарияси учун танлаш ва таъсир кўрсатишни аниклайдиган бирлашган йигиндиси нима деб аталади?

- a) тарбия;
- б) тарбия техникаси;
- в) тарбия фаолиятини технологияси;
- г) тарбиявий усуллар;
- д) тарбия ҳолатлари.

2. Педагогик таъсир кўрсатишнинг маълум услубларини, жисмоний тарбия ва спорт билан шугуулланувчиларга ёки уларда жисмоний сифатларни бирлаштириб ривожлантиришни ташкил топтириш максадида социал ролларни аниқ бажариш ва шахсий аҳамиятли максад нима дейилади?

- а) тарбия воситалари;
- б) тарбия услублари;
- в) тарбия қоидалари;
- г) тарбия методлари;
- д) тарбия белгилари.

3. Услублар мажмуаси, жисмоний тарбия ва спорт ўқитувчиси томонидан кўрсатиш учун ишлатилган тарбиявий инструментал ва касб амалий фаолияти нимани билдиради?

- а) тарбия стратегиясини;
- б) тарбия техникасини;
- в) тарбия тактикасини;
- г) тарбия методларини;
- д) тарбия принципларини.

4. Тарбия методлари негизини нима ташкил қилади?

- a) тарбиянинг восита ва услублари;
- б) ишонтириши ва кўргазмали мисол;
- в) тарбия техникасни тарбиялаши;
- г) тарбиянинг қоидалари;
- д) тарбиянинг узлуксизлиги.

5. Ватанимиз педагогикасида тарбиянинг бош усули қўйидаги-  
лардан қайси бири:

- a) ишонтириши методи;
- б) машқ методи;
- в) разбатлантириши методи;
- г) жонли мисол;
- д) қаттиқ гапириши.

6. Тарбиявий жараёнда «иш» билан кизиктириш учун, кўпинча,  
кўйидаги усулларнинг қайсларидан фойдаланилади:

- а) шуғулланувчиларга уни қилган ишининг бориши баҳоси ва аҳа-  
миятини кўрсатиш;
- б) тушуунтириши ва тасдиқлаш;
- в) солиштириши, қиёслаш;
- г) материал ва маънавий;
- д) жеркиб бериш.

**Назорат тестлари бўйича танлаган жавобларингизни  
жадвалга (жавоб варакасига) ёзинг**

|              |   |   |   |   |   |   |
|--------------|---|---|---|---|---|---|
| Савол раками | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| Жавоб раками |   |   |   |   |   |   |

**Мустақил ишлаш учун топшириклар:**

1. Ҳозирги замон шароитида шахс тарбиясининг бош мақсадини  
кўрсатинг.

2. Жадвалнинг иккинчи устунида тарбия билан боғлиқ тушун-  
чалар, учинчи устунида ихтиёрий тартибда уларнинг таърифлари бе-  
рилган. Учинчи устундан ҳар бир атаманинг тўғри таърифини топиб,  
жавоб ракамини жадвалнинг биринчи устунига ёзиб чиқинг.

| <b>Жавоб таъриф раками</b> | <b>Атама (тушунча)</b> | <b>Таъриф</b>  |
|----------------------------|------------------------|--|
|                            | Тарбия кенг маънода    | 1. Шахснинг сифатларини (эхтиёжларини, феъл-авторини, қобилиятларини) тарбиянинг мақсад ҳамда вазифаларига мувофиқ ҳолда шакланишини таъминловчи аниқ мақсадга йўналтирилган фаолияти  |
|                            | Тарбия тор маънода     | 2. Ижтимоий субъектлар томонидан уларнинг ўзаро, ижтимоий муҳит ҳамда теварак-атрофдаги табиат билан кенг, ҳар томонлама ўзаро таъсирини камраб олувчи жамият тажрибасини ўзлаштириш ва фаол қўллаш жараёни  |
|                            | Тарбия жараёни         | 3. Ўқитувчи (мураббий) тарбияланувчиларга таъсири кўрсатиш учун қўллайдиган барча воситалар (сўз, сухбатлар, йигилишлар, кўргазмали куроллар ва х.к.)  |
|                            | «Мен ва ўналиши»       | 4. Инсоннинг ўзи ҳакида ўз ҳаёти ва меҳнат субъекти сифатида бошидан кечирадиган тақорорланмас, нисбатан баркарор, етарлича англанган тасаввурлар тизими бўлиб, унинг асосида инсон бошқалар билан ўзаро муносабатларини куради, ўз фаолияти ва хулқини намойиш этади. |
|                            | Тарбия воситалари      | 6. Тарбиянинг элементлари ёки алоҳида воситаларини муайян педагогик вазиятга мувофиқ равишда қўллаш бўйича ҳаракатларнинг хусусий ҳоллари  |
|                            | Тарбия усуллари        | 7. Тарбия жараёни субъектларининг аниқ мақсадга қаратилган мунтазам ўзаро муносабатлари  |

3. Тарбиянинг турларини (таркибий қисмлари)ни сананг.
4. Тарбиянинг анъанавий усулларини санаб беринг.
5. «Жисмоний тарбия ўқитувчиси (спорт тури бўйича мураббий) нинг шахсий ва ишбилармонлик сифатлари» жадвалини тўлдиринг.

| <b>Ишбилармонлик сифатлари</b> | <b>Шахсий сифатлари</b> |
|--------------------------------|-------------------------|
|                                |                         |
|                                |                         |

6. «Жисмоний тарбия жараёнида маънавий тарбия» жадвалини тўлдиринг.

| Маънавий вазифалари тарбиянинг | Маънавий воситалари тарбия | Маънавий усуллари тарбия |
|--------------------------------|----------------------------|--------------------------|
|                                |                            |                          |
|                                |                            |                          |
|                                |                            |                          |
|                                |                            |                          |
|                                |                            |                          |

7. «Жисмоний тарбия жараёнида ақлий тарбия» жадвалини тўлдиринг.

| Ақлий тарбиянинг вазифалари | Ақлий тарбия воситалари | Ақлий тарбия усуллари |
|-----------------------------|-------------------------|-----------------------|
|                             |                         |                       |
|                             |                         |                       |
|                             |                         |                       |
|                             |                         |                       |
|                             |                         |                       |

8. «Жисмоний тарбия жараёнида гўзаллик тарбияси» жадвалини тўлдиринг.

| Гўзаллик тарбиянинг вазифалари | Гўзаллик тарбия воситалари | Гўзаллик тарбия усуллари |
|--------------------------------|----------------------------|--------------------------|
|                                |                            |                          |
|                                |                            |                          |
|                                |                            |                          |
|                                |                            |                          |
|                                |                            |                          |

9. «Жисмоний тарбия жараёнида меҳнат тарбияси» жадвалини тўлдиринг.

| Меҳнат тарбиянинг вазифалари | Меҳнат тарбия воситалари | Меҳнат тарбия усуллари |
|------------------------------|--------------------------|------------------------|
|                              |                          |                        |
|                              |                          |                        |
|                              |                          |                        |
|                              |                          |                        |
|                              |                          |                        |

## **4-мавзу: Жисмоний тарбиянинг восита ва усуллари**

### **4.1. Жисмоний тарбиянинг воситалари**

#### **Назорат тестлари**

**1. Жисмоний тарбиянинг асосий ўзига хос воситалари нима?**

- а) жисмоний машқлар;*
- б) гигиеник факторлар;*
- в) табиатнинг согломлаштириши кучлари;*
- г) тренажерлар.*

**2. Жисмоний машқлар мазмуни деганда нима тушунилади?**

- а) ҳаракатнинг тузилиши;*
- б) ҳаракат фаолияти;*
- в) жисмоний нагрузка;*
- г) жисмоний машқларни бажаришда организмда содир бўладиган асосий жараёнлар тўплами, шунингдек, унинг ҳаракат йигиндиси;*
- д) машқларнинг ҳажсми.*

**3. Жисмоний машқларнинг шакли куйидагиларни ўз ичига олади:**

- а) ҳаракатнинг ички ва ташқи тузилиши;*
- б) ҳаракат фаолияти қисмларининг тўплами;*
- в) ҳаракатнинг куч ва ритмик ҳарактеристикаси;*
- г) жисмоний машқларни бажарииш жараёнида инсонда содир бўладиган жараён ва ҳодисаларнинг йигиндиси;*
- д) ҳаракат фаолиятини бир дараҷадаги йигиндиси.*

**4. Куйидагилардан қайси тушунча инсон жисмоний тарбиясининг меҳнат ва бошка фаолиятдаги амалий йўналиши?**

- а) жисмоний тайёргарлик;*
- б) жисмоний камолот;*
- в) жисмоний маданият;*
- г) жисмоний ҳолат.*

**5. Жисмоний машқларнинг самарадорлиги куйидагиларнинг қайси бири билан аниқланади?**

- а) шакли билан;*
- б) мазмуни билан;*
- в) ҳаракати билан;*
- г) узоқ вақт бажарилиши билан.*

| Назорат тестларига<br>таплаган варакасига) | жавобларингизни |   | жадвалга (жавоблар |   |   |
|--|-----------------|---|--------------------|---|---|
| Савол раками                               | 1               | 2 | 3                  | 4 | 5 |
| Жавоб раками                               |                 |   |                    |   |   |

**Мустақил ишлаш учун топшириклар.**

1. Қолдирилган бўш жойга куйида берилган тушунчалар таърифини ёзинг.

*Жисмоний машқлар мазмуни* \_\_\_\_\_

*Жисмоний машқлар шакли* \_\_\_\_\_

2. Жисмоний машкларнинг соғломлаштиришдаги аҳамияти, таълимий роли, шахсга таъсири жадвалини тўлдиринг.

| Жисмоний<br>машкларининг<br>соғломлаштиришдаги<br>фаолияти | Жисмоний<br>машкларининг<br>таълимий роли | Жисмоний<br>машкларнинг шахсга<br>таъсири |
|--|---|---|
|  |   |   |
|  |   |   |

3. «Жисмоний машкнинг ички ва ташки тузилиши» жадвалини тўлдиринг.

| Жисмоний машкнинг ички<br>тузилиши | Жисмоний машкнинг ташки<br>тузилиши |
|------------------------------------|-------------------------------------|
|                                    |                                     |

4. Жадвалга ҳаракатларнинг биомеханик характеристикасини (тавсифини) ёзинг.

| Ҳаракатларнинг<br>маконий тавсифи | Ҳаракатларнинг<br>вакт тавсифи | Ҳаракатларнинг<br>маконий-вакт<br>тавсифи | Ҳаракат-<br>ларнинг<br>динамик<br>тавсифи |
|-----------------------------------|--------------------------------|---|---|
|                                   |                                |   |   |
|                                   |                                |   |   |

5. Жисмоний машқлар билан навбатдаги шуғулланишгача ўтадиган вакт ораликларига боғлик равишда жисмоний машқлар самараси ўзгаришининг куйидаги босқичлари мавжуд деб хисоблайдилар:

*1) нисбатан нормалашув босқичи;*

- 2) суперкомпенсаторлик босқичи;
- 3) редукцион босқич.

Санаб ўтилган босқичларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни жадвалга ёзинг.

| Жисмоний машқлар самараси ўзгаришининг босқичлари |                                |                  |
|---|--------------------------------|------------------|
| Нисбий нормаллашув<br>босқичи                     | Суперкомпенсаторлик<br>босқичи | Редукцион босқич |
|   |                                |                  |

6. Гапда қолдирилган бўш жойни тўлдиринг.

Жисмоний тарбияда жисмоний машқларнинг узоқ муддатли кумулятив самарасини таъминлашнинг асосий маъноси \_\_\_\_\_

7. «Жисмоний машқларни тавсифлаш» жадвалини тўлдиринг.

| Жисмоний машқларни таснифлаш  |                         |  |                                 |   |                                    |
|---|-------------------------|--|---------------------------------|---|------------------------------------|
| Жисмоний тарбиянинг тарихан юзага келган тушунчалари белгисига кўра | Анатомик белгисига кўра | Алоҳида жисмоний сифатларни тарбиялашга кўпроқ йўналтирилганлик белгисига кўра | Ҳаракат тузилиши белгисига кўра | Кувватнинг физиологик зоналари белгисига кўра | Сифат ихтисослашуви белгисига кўра |
|   |                         |  |                                 |   |                                    |

#### 4.2. Жисмоний тарбиянинг усуллари Назорат тестлари

1. Қатъий тартиблаштирилган машқ методларининг асосини нима ташкил этади?

- а) аниқ ҳаракат алгоритми;
- б) нагрузкани аниқ меъёrlаши;
- в) олдиндан белгиланган қатъий дастур ва юклама билан дам олини меъёrlаштириши;
- г) дам олии оралиқларини аниқ белгилаши;
- д) ҳаракат ритми ва темпи.

2. Жисмоний тарбиянинг махсус услубиятига ... киради.
- ўйин усули;
  - мусобақа усули;
  - кўргазмали таъсир кўрсатиш ва тез ахборот;
  - қатъий тартиблаштирилган машқ усуллари, ўйин, мусобақа, усуллари;
  - техник таъминлаш усуллари.

3. Куйидагилар ичидан ўйин усулига хос хусусиятни топинг.

- ижсолий изланни;
- ўйиннинг узоқ вақт давом этиши;
- ўйинда шуғуланувчиларни тез-тез алмаштириши;
- ўйинда ҳар хил спорт атамаларидан фойдаланиши;
- ўйинга методик хусусиятларини бошқа машқларга киритши.

4. Куйидагилардан қайси бири махсус усулларга киради?

- сўз усуллари (фармойиш, қоматда кўрсатиш) ва кўргазмали таъсир кўрсатиш;
- қатъий тартибга туширилган машқлар, ўйин ва мусобақа усуллари;
- тез информация берувчи усуллар;
- амалий, услуг телетасма, мустақил ишилаш услуги, назорат;
- фаол услублар.

5. Қатъий тартиблаштирилган машқ усуллари аҳамияти ва моҳияти нимада?

- ҳарбий машқ бир вақтнинг ўзида техника ва тактикани тақомиллаштиришига ва жисмоний сифатларни ривожланшишига қаратилилади;
- булар олдиндан тузилган мақсад ва жисмоний тарбия натижасининг боғлиқ звеносидир;
- жисмоний машгулотни ташкил қилишининг қатъийлиги;
- ҳар бир машқ қатъий берилган шаклда ва аниқ белгиланган юкламада бажарилади;
- машқлар кетма-кетлигини белгилайди.

**Назорат тестларига танлаган жавобларингизни жадвалга  
(жавоб варақасига) ёзинг**

|              |   |   |   |   |   |   |
|--------------|---|---|---|---|---|---|
| Савол раками | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| Жавоб раками |   |   |   |   |   |   |

## **Мустақил ишлаш учун топширикклар**

1. Вақти аник белгиланған машқ усулларининг педагогик имкониятлари катта. Жисмоний тарбияда улар ... имконини беради.

2. «Харакат фаолиятига ўргатиш усуллари ва уларнинг таърифи» жадвалини түлдиринг.

| Ўргатиш усуллари | Усуллар тавсифи |
|------------------|-----------------|
|                  |                 |
|                  |                 |
|                  |                 |

3. «Жисмоний сифатларни тарбиялаш усуллари ва уларнинг тавсифи» жадвалини түлдиринг.

| Тарбия усуллари | Усуллар тавсифи |
|-----------------|-----------------|
|                 |                 |
|                 |                 |
|                 |                 |
|                 |                 |

4. «Жисмоний тарбияда сўздан фойдаланиш усуллари (сўз усуллари) ва уларнинг тавсифи» жадвалини түлдиринг.

| Сўз усуллари | Усуллар тавсифи |
|--------------|-----------------|
|              |                 |
|              |                 |
|              |                 |
|              |                 |

5. «Жисмоний тарбияда кўргазмалиликни таъминлаш усуллари (кўргазмали усуллар) ва уларнинг тавсифи» жадвалини түлдиринг.

| Кўргазмали усуллар | Усуллар тавсифи |
|--------------------|-----------------|
|                    |                 |
|                    |                 |
|                    |                 |
|                    |                 |

## **Муаммоли вазиятлари бўлган топшириклар**

**Мавзу. «Вақти қатъий белгиланган машқ усулларига тавсиф бериш».**

**1-сонли муаммоли вазият.** Ҳар қандай ҳаракат фаолияти уч босқичда ўзлаштирилади. Ҳар бир босқичда шундай усуллар ажратиб кўрсатилади, улар ёрдамида мазкур босқич вазифалари қўпроқ самародорлик билан ҳал қилинади. Ҳаракат фаолиятларига ўргатишнинг бошлангич даврида конструктив машқ усули кенг кўлланади. Кўпинча, билиш билан ўргатишнинг белгиланган босқичида фойдаланиш учун кўзда тутилган муайян машқлар таркибини билмаслик орасида зиддият юзага келади.

**Топшириқ.** Мактаб ўкувчиларини кичкина (теннис учун) тўпни узунликка узвий қисмларга ажратиш конструктив машқ усулини кўллаган ҳолда улоқтиришга ўргатишда фойдаланиладиган муайян машқлар таркибини аникланг (танланган спорт тури мисолида бўлиши мумкин).

**2-сонли муаммоли вазият.** Ҳаракат фаолиятларини ўргатиш жараёнида 2 та асосий умумий ёндашув мавжудлиги эътироф этилади: 1) ҳаракатни узвий қисмларга бўлиб ўрганиб, кейин бу қисмларни бутун ҳаракатга бирлаштириш. Шундай ёндашувга мос усулларни «узвий қисмларга ажратилган конструктив машқ усуллари» деб аталади; 2) ҳаракатни имкони борича бутун ҳолда айрим деталларни танлаб ажратиб олиб ўрганиш. Бундай ёндашувга хос бўлган усулларни қискача «бутун машқ усуллари» деб аталади. Агар ўрганилаётган ҳаракат (ёки ҳаракатлар йигиндиси) нисбатан мустакил унсурларга бўлинса, бунда уларнинг хусусиятлари кўп ўзгармаса, биринчи йўл танланади. Агар бутунни қисмларга ажратиш билан ҳаракатнинг моҳияти ўзгарса, уларнинг тузилиши бузилса, у ҳолда иккинчи йўлга мурожаат қилинади. Бутуннинг тузилиши, одатда, ҳаракатнинг асосий механизми ўзлаштирила боргани сайин алоҳида, нисбатан мустакил деталлар билан бирлашиб, бутун ҳаракатнинг бажарилиши фонида такомиллашадиган фаолиятларни чиқариб ташлаш ҳисобига соддалаштирилади.

**1-топшириқ.** Танланган спорт тури мисолида бутун ҳаракат фаолиятини қисмларга ажратиш тартибини аникланг (биринчи йўл учун).

**2-топшириқ.** Танланган спорт тури техникасининг у ёки бу унсурини ўзлаштириш кетма-кетлигини аникланг. Натижани тақдим этиш чоғида жавобингиз тўғрилигини асослаб беринг.

**3-соили муаммоли вазият.** Жисмоний тарбияда стандарт машқ ва ўзгарувчан (вариантли) машқ усууллари мавжуд. Бу усууллар узлуксиз ва интервалли юкланим режимида кўлланилади. Бу усуулларнинг ҳар бири жисмоний тарбия жараёнида у ёки бу вазифаларни бажа-ришга хизмат қиласди. Диккатингизга кўйидаги муаммоли вазият ҳавола этилади. Жисмоний машқлар шартли машғулотларини ўтказиш жараёнида ҳар бир усул учун кўйидагиларни навбати билан шакллантириб олиш лозим: 1) стандарт узлуксиз машқ усулини кўллаш билан боғлик вазифа; 2) стандарт интервалли машқ усули ёрдамида ечилиши мумкин бўлган вазифа; 3) ўзгарувчан узлуксиз машқ усулидан фойдаланиш билан боғлик вазифа; 4) ўзгарувчан интервалли машқ усули ёрдамида ҳал этилиши мумкин бўлган вазифа.

**Топширик.** Ўзингиз шакллантирган вазифани асослаб беринг.

### **Мавзу: «Кўргазмали таъсир воситалари ва сўздан фойдаланиш усууллари»**

**Муаммоли вазифа.** Ўқувчиларга ҳар хил ҳаракат фаолиятларини ўргатишда жисмоний тарбия ўқитувчиси шароитга қараб ҳар доим ҳам шу ҳаракат ёки унинг айрим унсурларини кўрсатиб беролмайди. Шундай ҳолларда ўрганилаётган ҳаракат ҳақида кўргазмали тасаввур хосил қилиш бўйича услубият талаблари билан ўқитувчи томонидан кўрсатилиш имкони йўклиги орасида муаммоли вазият юзага келади. Биз биламизки, кўргазмалиликни бевосита яратишнинг бир гурух усууллари мавжуд.

**Топширик.** Бу гурухларни, шунингдек, мазкур муаммоли вазиятни самарали ҳал қилиш имконини берадиган муайян усууллар таркибини аниқланг.

### **5-Мавзу. Жисмоний тарбиянинг умумуслубий ва маҳсус тамойиллари**

#### **Назорат тестлари**

1. Жисмоний тарбия тизимида қайси тамойиллар бошқариш ҳолати сифатида кўлланишини кўрсатинг:

- a) умумижтимоий ва умумпедагогик тамойиллар;
- б) умумметодик тамойиллар;
- в) маҳсус тамойиллар;

2) умумижтмоий, умумпедагогик, умумметодик ва маҳсус тамоииллар;  
д) умумий тамойиллар.

2. Кўрсатилган тамойиллардан қайси бири умумметодик тамойил бўлиб ҳисобланади:

- а) онглилик ва фаоллик тамойили, кўргазмалилик тамойили, тушинарллилк ва индивидуаллик тамойили;
- б) узлуксизлик тамойили, юклама ва дам олии тизимини алматириши тамойили;
- в) юклама динамикасини мослаштириб танлаш тамойили, машгулотларни циклик тузиш тамойили;
- г) ривоҷлантириб тренировка қилиб таъсир кўрсатишни астасекин ошириб бориш тамойили;
- д) шимиий методик тамойил.

3. Қайси тамойил жисмоний юкламанинг ҳажми ва шиддатини организмнинг функционал имкониятларини ўсишига караб режа асосида ошириб боради?

- а) шимиийлик тамойили;
- б) тушинарллилк ва индивидуаллик;
- в) узлуксизлик тамойили;
- г) ривоҷлантириб - тренировка қилиб таъсир кўрсатишни астасекин ошириб бориш;
- д) мустақил иш тамойили.

4. Қайси бир тамойил олдинги машғулот изига кейинги машғулот изини маълум тартибда самарасини, тузилишини ҳисобга олишни талаб қиласди?

- а) мунтазамлилк;
- б) узлуксизлик;
- в) бажара олишилик;
- г) кўргазмалилик;
- д) фаоллик тамойили.

Назорат тестлари учун танлаган жавобларингизни жадвалга (жавоблар ва рақасига) ёзинг.

|              |   |   |   |   |   |
|--------------|---|---|---|---|---|
| Савол рақами | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| Жавоб рақами |   |   |   |   |   |

### **Мустақил ишлаш учун топшириклар.**

1. Жисмоний тарбияда онглилик ва фаолликни ўстиришга ёрдам берадиган махсус услубий приёмларни сананг.

2. «Жисмоний тарбияда амалий кўргазмалиликнинг шакллари ва уларнинг тавсифи (вазифаси ва воситалари)» жадвалини тўлдиринг.

#### **Жисмоний тарбия жараённада амалий кўргазмалилик**

| Кўргазмалилик | Вазифаси | Воситалари |
|---------------|----------|------------|
|               |          |            |
|               |          |            |
|               |          |            |
|               |          |            |

3. «Жисмоний тарбияда тушунарлилик ва индивидуаллаштириш тамоилини ва унинг тавсифи» жадвалини тўлдиринг.

| Тушунарлилик ва индивидуаллаштириш тамоилини<br>Вазифаси |         |
|--|---------|
|  | Тавсифи |
|  |         |

4. Жисмоний тарбияда юкланмалар ва ҳаракатли топшириклар белгиланадиган мезонларни (кўрсаткичларни) сананг.

| Объектив кўрсаткичлар | Субъектив кўрсаткичлар |
|-----------------------|------------------------|
|                       |                        |
|                       |                        |

5. «Жисмоний тарбиянинг махсус тамоиллари ва уларнинг тавсифий» жадвалини тўлдиринг.

| Жисмоний тарбиянинг махсус | Тамоиллар тавсифи |
|----------------------------|-------------------|
|                            |                   |
|                            |                   |
|                            |                   |
|                            |                   |

## **Муаммоли вазиятлари бўлган топшириклар.**

5.1.Мавзу: «Жисмоний тарбия услубияти тамойиллари»

**Муаммоли вазият.** Умумий тўғри тамойилларга асослангани-  
дагина энг киска йўл билан мақсадга олиб боради. Педагогик жараён-  
нинг, аввало, услубий қонуниятларини ифодалайдиган бир катор  
тамойиллар борки, худди шунинг учун ҳам таълим вазифаларини  
бажаришда улар энг муҳим саналади. Булар онглилик ва фаоллик,  
кўргазмалилик ва индивидуаллаштириш тамойиллариdir.

**Топширик.** Педагогик жараёнда қандайдир тамойилни эътиборга  
олмаслик натижасида қандай оқибатлар ёки нуксонлар юзага келиши  
мумкинлигини аниқлашга ҳаракат килиб кўринг. Ушбу саволга жавоб  
излаш ва топиш мантиқини оғзаки баён қилинг, бунда касбий педа-  
гогик жараёндан хаётй мисоллар келтиринг.

### **6-мавзу. Ҳаракат фаолиятларига ўргатиш назарияси ва услубияти асослари**

#### **Назорат тестлари**

1. Ҳаракат кўникмаси ўргатиш натижаси сифатида:

- a) киши ҳаракат имкониятларини амалга ошириш фаолиятининг  
автоматлашмаган шаклидир;
- б) ҳаракатнинг автоматлашган шакли;
- в) ҳаракатнинг берилган дастурдан фарқли шакли;
- г) ҳаракатнинг бажарилишини вариативлиги ва ностандартли-  
гидир.

2. Ҳаракат малакаси ўргатиш натижаси сифатида:

- а) бу ҳаракатнинг автоматлашган ҳаракатлар асосида юзага  
келиши шаклидир;
- б) бу ҳаракат дикъатни бир жойга жамлаган (концентрация)  
холда кўп маротаба бажаришдир;
- в) бу ҳаракат иккинчи сигнал тизимининг иштирокисиз авто-  
матлашувидир;
- г) бу кўникмани малакага ўтиш қонуниятидир.

3.Ўргатиш жараёнининг боскичлари:

- а) тайёрлов, асосий, якунловчи;
- б) замин яратиш;
- в) дастлабки ўргатиш, чуқурроқ ўргатиш, натижавий таҳлил;

г) ҳаракатларнинг тақомиллашуви натижасида ҳаракатларни автоматлашувининг юзага келиши.

4. Ҳаракатнинг кўникма ва малака сифатида шаклланиш босқичлари:

- а) асосий шаклланиши, яхлитланиши, малакани мустаҳкамланниши;
- б) ҳаракат боғланиши ва яхлитликнинг шаклланиши;
- в) асосининг шаклланиши, яхлитланиши, экстраполяцияси;
- г) қўзғалишининг иррадиация ва концентрация асосида ҳаракат малакасининг шаклланиши.

5. Ҳаракатларга дастлабки ўргатища восита ва услублар:

- а) нутқ таъсири, сезги мантиқий образ, бевосита кўрсатни;
- б) нутқ таъсири, бўлакларга бўлиб конструкторлаши (ийгиши), ёрдамчи;
- в) нутқ таъсири, кўргазмалилик, амалий, айланма тренировка;
- г) нутқ таъсири, кўргазмалилик, қатъий тартиблаштиришган машқ.

6. Фикрлайдиган ҳаракат вазифаларини бирлаштирувчи ҳаракат тизими нима деб аталади?

- а) ўрганиш;
- б) ўргатни;
- в) тарбиялами;
- г) таълим;
- д) бажариш.

е

7. Ҳаракат кўникма ва малакаларни ўргатадиган маҳсус билим берадиган, жисмоний сифатларни тарбиялайдиган педагогик назорат нима дейилади?

- а) жисмоний таълим;
- б) жисмоний тарбия;
- в) жисмоний ривожсланиш;
- г) жисмоний маданият;
- д) жисмоний тайёргарлик.

8. Юкори мустаҳкамликда техникани бажаришни бошқариш техника тавсифини оптималлаштириш билан автоматлашган ҳолатга келиши нима деб аталади?

- а) ҳаракат кўникмаси;
- б) техник маҳорат;

- в) ҳаракатдаги иқтидорлilik;
- г) ҳаракат малакаси;
- д) ҳаракат уйғунлiği.

9. Күйидеги пунктлардан: 1. Баркарорлик эканлиги; 2. Бир бирiga бирлашган; 3. Турғун эмаслиги; 4. Автоматлашган; 5. Мушак кучини микдоридан ортиқ сарфлаш; 6. Экономли - юкоридагилардан қайси бири ҳаракат күнікмасига тааллуккли.

- а) 2-4;
- б) 1,3,5;
- в) 1,2,3,4,5,6;
- г) 1,2,6;
- д) 3,4,5.

10. Ҳаракат малакасининг асосий фарқли күрсаткичи бўлиб:

- а) Ҳаракат фаолиятини бажаришнинг барқарор эмаслиги;
- б) Ҳаракат фаолиятларида дикъатни доимий равишда бажарии техникасига қаратиши;
- в) Ҳаракат фаолиятини бошқарышнинг автоматлашганлиги;
- г) Ташқи ошилларга турғун эмаслиги (шамолга қарши, ёмғир, машғулот жойининг яхши ёритилмаганилиги, залдаги шовқин).

11. Ҳаракат фаолиятига ўргатиш жараёни неча босқични ўз ичига олади?

- а) уч босқични;
- б) тўрт босқични;
- в) икки босқични;
- г) беш босқични;
- д) бир босқични.

12. Ҳаракат техникасини ўрганишнинг бошланғич босқичини ўргатиш мақсади:

- а) ўрганилаётган ҳаракат техникасини ўқувчига тушунтириши ва уни бажаришнинг умумий томонларини бажаришга эришиши;
- б) ҳаракат күнікмасининг ташкил топишини тугаллаш;
- в) ҳаракат техникасини элементлари бўйича ўзлаштириши ва ўрганилаётган техникани мустаҳкамлаш;
- г) ўрганилаётган ҳаракат техникасининг фазалари ва қисмларини барқарор ва турғун бажаришга эришиши.

13. Ҳаракат техникасига ўргатиш қайси жавобда тўғри кўрса-

*түлгән?*

- а) ҳаракатни бажарыши услублари тұғрисида бошланғич умумий тууңчыча ҳосил қилиши;*
- б) ҳаракат техникасини қисмлари бүйіча бевосита ўргатиши;*
- в) ҳаракат техникасини бир бутун ҳолда ўргатиши;*
- г) умумий тайёргарлик машқларини ўргатиши;*
- д) қисман машқлар техникасига ўргатиши.*

14. Бошланғич ўргатиши босқичидаги битта машғулот давомида ҳаракат техникасига ўргатган дарсини қайси қисмда амалга оширилади:

- а) дарснинг тайёргарлик қисміда;*
- б) дарс асосий қисмининг бошланишида;*
- в) дарс асосий қисмининг ўртасида;*
- г) дарс асосий қисмининг охирда;*
- д) дарснинг якунловчи қисміда.*

15. Ўқитувчи ҳаракат техникасини ўргатишга киришиш учун биринчи навбатда ўргатиши суалини танлайды (ҳаракат техникаси мұраккаб бўлмаса):

- а) яхлитлигича бажарыши;*
- б) бўлиб-бўлиб бажариладиган конструктив машқ методи;*
- в) ҳар хил ўйин вақтида (ўйин суали);*
- г) ҳар хил мусобақа вазиятида «Ким тұғри» бажаради, «Ким аниқ» бажаради, «Ким яхши» бажаради (мусобақа методи).*

16. Мұраккаб ҳаракат техникаси бир машкни бошланғич ўргатиши босқичида қайси усул билан ўргатиш яхшироқ?

- а) стандарт интервалли машқ усули;*
- б) бир-бирастыра түшгән ҳамда таъсир күрсатиши усули;*
- в) бўлиб-бўлиб бажариладиган конструктив машқ усули;*
- г) яхлит машқ усули;*
- д) ўйин усули.*

17. Ўргатиши жараённанда жуда күп хатога йўл кўйди:

- а) ҳаракат техникаси ўрганилишининг бошланғич босқичида;*
- б) ҳаракат техникасини ўрганган чуқурлаштирилган босқичида;*
- в) ҳаракат техникасини ўргатишшының тақомиллаштириши босқичида;*
- г) ҳаракат малакаларини ҳар хил түзилишишига таъсир этиши бос-*

*қичида;*

*д) ҳаракатни ўргатиш босқичида.*

18. Ҳаракат техникаси тақомиллаштириш босқичининг давом этиш вақти:

*а) 3 ойдан 5 ойгача;*

*б) 1 йил;*

*в) 2-3 йил;*

*г) танлаб олинган йўналии бўйича узоқ йиллар давомида;*

*д) 1,5-2 йил.*

19. Машкларни, услублар ва усулларни танланган ҳолда ўргатишга ҳаракат кўнкма ва малакасини эгаллашга йўналтирилган, шунингдек, тақомиллаштиришга қаратилиши нима деб юритилади?

*а) ўргатиш услугияти;*

*б) жисмоний маданият;*

*в) жисмоний таълим;*

*г) жисмоний тарбия;*

*д) жисмоний тайёргарлик.*

20. Ҳаракат таъсирини (жамланган ҳолда), жисмоний тарбия вазифасини амалга оширишга йўналтирилган, қонуният бўйича ташкиллаштирилган бўлса нима деб аталади?

*а) жисмоний машқлар;*

*б) ҳаракатли ўйинлар;*

*в) ҳаракат малакалари;*

*г) жисмоний камолот;*

*д) жисмоний ҳолат.*

21. Ўқитувчи ва ўқувчининг бир-бирига боғланган услубларини тартиблаштириш орқали чукур билим олиши, кўнкма ва малакага эришиши нима деб аталади?

*а) таълим усуллари;*

*б) ҳаракатлар таъсири;*

*в) ўргатиш услугияти;*

*г) ўрганиш ва ўргатиш;*

*д) ҳаракат малакалари.*

22. Ҳаракат малакасига қуйидагиларнинг қайси бири мос келади?

*а) ҳаракат техникасида аҳамиятсиз хатолар бор;*

- б) ҳаракат техникасида биттә катта хатто бор;
- в) ҳаракат автоматлашган;
- г) ҳаракатни бир-икки марта бажаради, лекин учинчисида катта хатога йўл қўяди;
- д) ҳаракат онги таъсирида бажарилади.

23. Жисмоний тарбия ва спортда ҳаракат малакаларини ижобий ва салбий кўчиши кўринади. Малакани ижобий кўчиришнинг асосий шароити нима бўлиб ҳисобланади?

- а) жисмоний тарбия ўқитувчисинин, спорт тури бўйича тренировкасининг юқори даражадаги касб маҳорати;
- б) бош фазаларини тузилишида (айрим звеноларида) ўхшиашлик борлиги;
- в) онглиллик ва фаоллик тамойилини тўғри олиб боришига;
- г) шугулланувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш;
- д) спортчининг малакасига боғлиқ.

**Назорат тестларига танлаган жавобларнингизни жадвалга  
(жавоблар ва рақасига) ёзиб қўйинг.**

|              |   |   |   |   |   |   |   |   |   |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |
|--------------|---|---|---|---|---|---|---|---|---|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|
| Савол рақами | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 |
| Жавоб рақами |   |   |   |   |   |   |   |   |   |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |

**Мустақил ишлаш учун топшириклар.**

1. «Ҳаракат фаолиятига ўргатиш босқичлари» жадвалини тўлдинг.

| Ўргатиш босқичлари<br>(номланиши) | Ўргатиш<br>босқичи мақсади | Босқичнинг асосий<br>педагогик вазифалари |
|-----------------------------------|----------------------------|---|
|                                   |                            | 1   |
|                                   |                            | 2   |
|                                   |                            | 3   |
|                                   |                            | 4   |
|                                   |                            |   |

|  |  |   |
|--|--|---|
|  |  | 1 |
|  |  | 2 |
|  |  | 3 |
|  |  | 1 |
|  |  | 2 |
|  |  | 3 |
|  |  | 4 |

2. Ҳаракат фаолиятларига ўргатиш жараёни самарадорлиги, билишнинг кўникма даражасига ўтиш давомийлиги қуидагиларга боғлиқ.

3. Ҳаракат фаолиятини эгаллаш қандай услубий кетма-кетликда амалга оширилишини кўрсатинг. Қисқача тавсиф беринг:

4. Ҳаракат фаолиятига ўргатишнинг дастлабки босқичида (бошлиғич ўрганиш босқичи) шуғулланувчилар энг кўп ҳаракат холатларига йўл кўядилар. Уларнинг сабаблари куидагилардир:

5. Шуғулланувчиларнинг ҳаракат фаолиятини ўрганиш даврида хатоларни тўғрилашнинг энг кенг тарқалган қоидаларини кўрсатинг:

6. Ҳаракат кўникмасининг шаклланиши бир қатор қонуниятларга мувофиқ рўй беради. Бу қонуниятларни сананг ва уларга тавсиф беринг (жадвални тўлдиринг).

| Ҳаракат фаолиятининг шаклланиш<br>қонунлари | Қонунинг тавсифи |
|---|------------------|
|   |                  |
|   |                  |
|----------|--|---------------|-----|-----|-----|------|-----|-----|--------------------|
|          |  | Душ           | Сеш | Чор | Пай | Жума | Шан | Якш |                    |
|          |  |               |     |     |     |      |     |     |                    |
|          |  |               |     |     |     |      |     |     |                    |
|          |  |               |     |     |     |      |     |     |                    |
|          |  |               |     |     |     |      |     |     |                    |
|          | Жами:  |               |     |     |     |      |     |     |                    |

*Эслатма: Иккинчи устунга ўқувчиларнинг мактаб ўқув ҳафтаси режимида учрайдиган ҳаракат фаолигининг барча мавжуд шаклари ёзилди. Мазкур топшириқни бажаришда ўқувчиларнинг ўқув куни ва ҳафтаси режимидағи умумий ҳаракат фаолиги ва хажми бўйича гигиеник меъёrlарига асосий эътиборни қаратиб иш туттиши керак. Бу меъёrlар соатлар ва дақиқаларда ифодаланади. Шундан сўнг 2-устунда кўрсатилган ҳаракат фаолигининг ҳар бир шакли учун горизонтал қатордан жой топилади, (ҳафта куни 3-9 устун) ва вакт кўрсатилади (дақиқаларда). 10 устунда ҳар бир ҳаракат фаолиги шакли учун ҳафтаталик умумий вакт ёзиб кўйилади. Сўнгра кунлар бўйича умумий вакт ҳисобланади (3-9 устунларнинг ҳар бир катакчасига), 10 устунга умумий ҳафтаталик вакт кўрсатилади.*

Жадвалдаги мълумотларга асосланиб, ўқувчиларнинг ўқув ҳафтаси мобайнида ҳаракат фаолиги ўсиб бориши чизмасини тайёрланг абсиссада хафта кунлари, ординатада вакт хажми дақиқаларда кўрсатилади. Бунда юкламаларнинг кунларга тақсимланиши мактаб ўқувчиларининг жисмоний ишга лаёқати ҳафтаталик ўсишини ҳисобга олиб бу текис хусусиятга эга бўлиши лозим.

180

150

120

90

60

30

Душ Сеш Чор Пай Жум Шан Як Ҳафта кунлари

## **13-мавзу: Талаба ёшларнинг жисмоний тарбияси**

### **Назорат тестлари**

**1. Жисмоний тарбия дарсларида талабалар, соғлигига қараб, неча гурухга бўлинади?**

- а) тайёргарлик, асосий, тиббий;*
- б) асосий, маҳсус, спортчиларга хос;*
- в) спорт, жисмоний маданият, согломлаштириши;*
- г) умумтайёргарлик ва амалий касбий;*
- д) саломатлик, умумтайёргарлик, Алномии ва Барчиной.*

**2. ОЎЮ жисмоний тарбиянинг асосий шаклларини кўрсатинг.**

- а) факультатив машгулотлар;*
- б) кун тартибидаги жисмоний машқлар;*
- в) ўкув машгулотлари;*
- г) УЖТ гуруҳларидаги машгулот ва шўъбалардаги машгулотлар ;*
- д) спорт шўъбалари.*

**Назорат тестларига танланган жавобларингизни жадвалга  
(жавоб рақамига) ёзинг:**

|              |   |   |
|--------------|---|---|
| Савол рақами | 1 | 2 |
| Жавоб рақами |   |   |

### **Мустақил ишлаш учун топшириклар**

**1. Талаба ёшлар жисмоний тарбиясининг вазифаларини санаб беринг.**

**2. «Талабалар жисмоний тарбияси асосий йўналишлари ва уларнинг таърифи» жадвалини тўлдиринг.**

| Жисмоний тарбиянинг<br>йўналишлари |  |
|------------------------------------|--|
|                                    |  |
|                                    |  |
|                                    |  |
|                                    |  |

3. Олий ўқув ютидаги жисмоний тарбия бўйича ўқув бўлинмаларининг номларини жадвалга ёзинг ва бу бўлинмалардан машғулотларнинг мақсад йўналишини кўрсатинг.

| Жисмоний тарбия бўйича ўқув бўлимларининг номлари | Бўлинмадаги машғулотларнинг мақсад йўналиши |
|---|---|
|   |   |
|   |   |
|   |   |
|   |   |

4. Соғлиғида нуксонлари бўлган (касалликнинг хусусиятларидан келиб чикиб) талабалар жисмоний тарбияси бўйича машғулот ўтказиш учун 4 гурухга бўлинадилар. Шу гурухларнинг номларини жадвалга ёзинг. Бу гурухлар органлар ва тизимларнинг қандай ўзига хос касалликларини ўз ичига олади ва уларда қандай жисмоний машклар кўпроқ бажарилишини кўрсатинг.

| Гурух номи | Соғлиқдаги унга хос нуксонлар | Тавсия этилаётган жисмоний машклар |
|------------|-------------------------------|------------------------------------|
|            |                               |                                    |
|            |                               |                                    |

5. «Талабалар жисмоний тарбиясини ташкил этиш шакллари ва уларнинг таърифи» жадвалини тўлдиринг.

| Жисмоний тарбияни ташкил этиш шакллари | Жисмоний тарбияни ташкил этиш шаклларига тавсиф |
|--|---|
|  |   |
|  |   |
|  |   |
|  |   |

6. Олий ўқув юти талабасининг жисмоний тайёргарлигини белгилайдиган мажбурий тестларни (назорат машкларини) санаб беринг.

## **14-мавзу: Мехнат фаолиятининг асосий даврида жисмоний тарбия**

### **Назорат тестлари**

**1. Жамиятда меҳнатни илмий ташкил қилишнинг асосий мақсади:**

*а) меҳнаткашларнинг ишга «киришиши» даврини камайтиши;*

*б) иш куни давомида ёш қобилиягининг сусайшини олдини олиш;*

*в) меҳнаткашлар соглигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама гармоник ривожланиши орқали меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдамлаши;*

*г) меҳнаткашларда учрайдиган профессионал касаллик ва синишишчиқиларни олдини олиш;*

*д) Ишлаб чиқариш даражасини кўтариши.*

**2. Ёш ва катта ёшдаги кишиларнинг ҳафталик кун тартибида жисмоний машғулотлари оптимал сонини кўрсатинг:**

*а) 1-2 машғулот;*

*б) 3-4 машғулот;*

*в) 5-6 машғулот;*

*г) 5 машғулот;*

*д) 7-9 машғулот (айрим кунларда кунига 2 марталик машғулот).*

### **Назорат тестларига танлаган жавобларингизни жадвалга (жавоблар варақасига) ёзинг:**

|              |   |   |
|--------------|---|---|
| Савол рақами | 1 | 2 |
| Жавоб рақами |   |   |

### **Мустақил ишлаш учун топшириклар**

**1. Аҳоли меҳнат фаолияти билан банд кисми жисмоний тарбиясининг асосий вазифаларини сананг.**

**2. Меҳнаткашлар турмушида жисмоний тарбиянинг асосий вазифаларини сананг.**

**3. «Ишлаб чиқариш гимнастикаси шакллари ва уларнинг таърифи» жадвалини тўлдиринг.**

| Ишлаб чиқариш гимнастикасининг шакллари | Тушунчанинг таърифи | Вазифаси | Давомий-лиги | Комплекседа машқлар микдори |
|---|---------------------|----------|--------------|-----------------------------|
|   |                     |          |              |                             |
|   |                     |          |              |                             |
|   |                     |          |              |                             |

4. Ишлаб чиқаришда ишчи сменаси мобайнида ишчанликни ўстиришга таъсир қиладиган омилларни сананг.

5. «Мехнаткашлар турмушида жисмоний тарбиянинг асосий шакллари, уларнинг вазифаси ва таърифи» жадвалини тўлдиринг.

| Жисмоний тарбия шакли | Асосий вазифаси ва таърифи |
|-----------------------|----------------------------|
|                       |                            |
|                       |                            |

6. Ёш ва ўрта ёшли кишиларнинг жисмоний тайёргарлиги даражасини баҳолашга ёрдам берадиган назорат машқларини (тестларни) санаб кўрсатинг.

## 15. Мавзу: Катта ёшлилар ва кексалар жисмоний тарбияси.

### Назорат тестлари

1. Катта ва кекса ёшдагиларнинг фаол равишда кўп яшаши учун куйидагиларнинг қайси бири самарали восита бўлиб хизмат килади?

- a) жисмоний машқлар;
- б) табиатнинг согломлаштирувчи кучлари;
- в) гигиеник омиллар;
- г) жисмоний машқлар, табиатнинг согломлаштирувчи кучлари, гигиеник омиллар;
- д) тренажерлар.

2. Катта ва кекса ёшдаги инсонларни соғломлаштириш мақсадида ҳамда юрак-кон томир ва нафас олиш тизими вазифасини яхшилаш учун қуйидагилардан қайси бирини бажариш тавсия этилади?

- 1) Меърланган юриш;
- 2) Максимал тезликда югуриш;
- 3) Секин югуриш билан сайр килиш;
- 4) Велосипедда юриш;

5) Нафасни түхтатыб қоладиган күч машқлари;

6) Сузиш.

a) 1,2,5;

б) 2,5,6;

в) 1,3,4,6;

г) 1,2,4,6;

д) 1,2,3,4,5,6.

3. Катта ва кекса ёшдаги кишиларни жисмоний машғулот давомида юрак-кон томир тизимидағи юкламаниң кайси формула билан аникланади?

а) ЮКТУК 220 ёши (йил);

б) КЖТУК 190 ёши (йил);

в) дастлабки ҳолатдаги томир уриши ёши (йил);

г) ЮКТУК 90 ёши (йил);

д) ЮКТУК 120 ёши (йил).

4. Катта ва кекса ёшдагилар билан ўтказиладиган жисмоний машғулоттарда юкламанинг умумий динамикаси қандай?

а) чизиқлы ўсіб боруучи;

б) зинасимон ўсіб боруучи;

в) тұлқинсімон бўлиб, аста-секин пасайиб боруучи;

г) тұлқинсімон бўлиб, тобора юқориляб боруучи.

5. Катта ва кекса ёшдагилар билан ўтказиладиган дарс типидаги машғулоттарда анча оғир юклама дарснинг кайси қисміга тушади?

а) машғулоттің тайёргарлик қисміга;

б) асосий қисмнинг бошланғич бўлагига;

в) иккинчи ярмининг ўртасига;

г) якунловчи қисмнинг бошланшишига;

д) тайёргарлик ва якунловчи қисміга.

**Назорат тестларига таылдаган жавобларингизни жадвалга  
(жавоб варажасига) ёзинг**

|              |   |   |   |   |   |
|--------------|---|---|---|---|---|
| Савол рақами | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| Жавоб рақами |   |   |   |   |   |

## **Мустақыл ишлаш учун топширикклар**

1. «Катта ёшлилар ва кексалар организмидә (тизимлар ва органларда) содир бўладиган функционал ўзгаришлар» жадвалини тўлдиринг.

| Юрак қон томир тизимида | Нафас тизимида | Мушаклар тизимида | Асаб тизимида |
|-------------------------|----------------|-------------------|---------------|
|                         |                |                   |               |
|                         |                |                   |               |

2. Катта ёшлилар ва кексалар жисмоний тарбияси воситаларини йўналтириб қўллашнинг асосий вазифаларини санаб беринг.

3. Катта ёшлилар ва кексалар билан жисмоний тарбия машгулотларини ўтказишда риоя килиш зарур бўлган асосий умумий коидаларни сананг.

4. Катта ёшлилар ва кексалар жисмоний тайёргарлиги даражасини баҳолашга ёрдам берадиган асосий назорат машкларини (тестларни) санаб беринг.

5. «Организм ҳолати ва унинг жисмоний юкламага жавоб реакциясини инсоннинг ўзи томонидан назорат килиш усуслари» жадвалини тўлдиринг.

| Ўз-ўзини назорат қилиш усуслари |          |
|---------------------------------|----------|
| Субъектив                       | Объектив |
|                                 |          |
|                                 |          |

## 6. «Ёш даврлари ва ёш» жадвалини тўлдиринг.

| Ёш даври              | Ёш |
|-----------------------|----|
| Эрта болалик даври    |    |
| Мактабгача ёш         |    |
| Кичик мактаб ёши      |    |
| Ўрта мактаб ёши       |    |
| Катта мактаб ёши      |    |
| Ёшлик даври           |    |
| Балогат ёши           |    |
| А) Аёллар б) Эркаклар |    |
| Кексалик ёши          |    |
| а) Аёллар б) Эркаклар |    |
| Катта ёш (кексалик)   |    |

## 16-мавзу: Касбий амалий жисмоний тайёргарлик

### Назорат тестлари

#### 1. Амалий касбий жисмоний тайёргарлик (АКЖТ) бу –

- а) жисмоний сифатларни ва функционал имкониятларни ривоожлантиришга йўналтирилган, бутун организм тизимига қулай шароит яратадиган педагогик жараёндир;
- б) жисмоний тарбиянинг ихтисослашган тури бўлиб, шу мутаҳассислик талаблари ва хусусиятларига нисбатан амалга оширишидир;
- в) соглом турмуш тарзининг ташкил топишида ва инсонларни жисмоний тақомиллаштиришини таъминлайдиган, ўз ичига назарий-методик, дастур-норматив ва ташкилий асосларни бирлаштирадиган жисмоний тарбиянинг ижтимоий амалиёт титидир;
- г) жисмоний сифатларни тарбиялаш жараёни бўлиб, ҳаётда керакли ҳаракатларни эгаллашдир;
- д) касбига қараб жисмоний машқ танлаш.

#### 2. АКЖТ керакли муносабатларнинг негизи ва бирлигида тузилади:

- а) умумий жисмоний тайёргарлик;

- б) махсус жисмоний тайёргарлик;
- в) техник-тактик тайёргарлик;
- г) психологик тайёргарлик;
- д) спорт тайёргарлиги.

**Назорат тестларига танлаган жавобларингизни жадвалга  
(жавоб варагасига) ёзинг:**

|              |   |   |
|--------------|---|---|
| Савол раками | 1 | 2 |
| Жавоб раками |   |   |

**Мустакил ишлаш учун топширикклар.**

1. Касбий амалий жисмоний тайёргарликнинг (КАЖТ) асосий вазифаларини санаб кўрсатинг.
2. «Ўрта махсус ва олий ўкув юртларида КАЖТ бўйича машғулотларнинг асосий шакллари ва уларнинг таърифи» жадвалини тўлдиринг.

| КАЖТ бўйича машғулотлар шакли | КАЖТ бўйича машғулотлар шаклига таъриф |
|-------------------------------|--|
| .                             | .                                      |
|                               |  |
|                               |  |
|                               |  |
|                               |  |

## **II ҚИСМ. СПОРТ НАЗАРИЯСИ ВА УСЛУБИЯТИ**

### **17-мавзу: Спортнинг умумий таърифи**

#### **Назорат тестлари**

**1. Спорт кенг маънода бу –**

- а) хусусий мусобақалашши фаолияти бўлиб, юқори кўрсаткичларни намоён этишига, объектив таъқиқланган маҳсус мослаштиришига ва инсоннинг айрим имкониятларини баҳолашга йўналтирилган;*
- б) инсоннинг жисмоний ҳолатини оптималлаштиришига ва шу ҳаракат натижаларига йўналтирилган фаолиятидир;*
- в) хусусий мусобақалашши фаолияти бўлиб, тарихий жисмоний маданият соҳасида мусобақа турига асосланган;*
- г) хусусий мусобақалашши фаолияти бўлиб, унга маҳсус тайёргарлик ҳамда шу фаолият асосида келиб чиқадиган ўзига хос муносабатлар, нормалар ва ютуқларнинг йигиндисидир;*
- д) яккакурааш турлари.*

**2. Спорт этикаси нима?**

- а) спортчининг ўзига хос фаолиятида (мусобақаларда, машгулотларда ва жисмоний машқлар билан шугулланишида) унинг учун мажбuriй бўлган ахлоқ нормалари ва қоидаларининг йигиндисидир;*
- б) ижтимоий бурчини тушунган ҳолда, ишлаб чиқаршида ва ижтимоий фаолиятда жисмоний сифатлардан фойдаланиши;*
- в) иродавий фазилатлар ҳарактерининг доимий хислатлари сифатида тарбиялаш;*
- г) мусобақа қонуnlари;*
- д) спортчининг умумий тайёргарлиги.*

**3. Спортчи қобилияятларининг умумий кўрсаткичи нима?**

- а) спорт натижаларининг ўсиш суръати;*
- б) спортчи томонидан кўрсатиган натижса;*
- в) тренировка машгулотларида суръатни кучайтириши билан ошириш;*
- г) антропометрик ва функционал ривожланиши;*
- д) тренировка машгулотлари.*

4. Спортчиларни илмий-методик томондан таъминлаш қандай амалга оширилади?

- a) спортчилар тўғрисида аҳборот йигиси, моделлаштириши билан спорт тури бўйича изланши;
- б) машгулотлар жараёнида илмий кузатишлар олиб бории;
- в) мажмуули шимий гурӯҳ (МНГ) ишларида қатнашиши;
- г) спортда натижалар ўсишини башорат қилиши;
- д) машгулот тактикасини башорат қилиши.

**Назорат тестларига танлаган жавобларингизни жадвалга  
(жавоб варакасига ) ёзинг:**

|              |   |   |   |   |
|--------------|---|---|---|---|
| Савол раками | 1 | 2 | 3 | 4 |
| Жавоб раками |   |   |   |   |

#### **Мустакил ишлаш учун топшириклар**

1. Жадвалнинг биринчи устунида спортга таалтуқли асосий тушунчалар, учинчи устунда эса уларнинг таърифи ихтиёрий тартибида берилган. Ҳар бир атамага тўғри таъриф бериш (учинчи устундан топиш) ва жавоб (таъриф) ракамини жадвалнинг биринчи устунига ёзиш керак.

| Жавоб таъриф раками | Атама тушунча      | Таъриф   |
|---------------------|--------------------|--|
|                     | Спорт тор маънода  | 1. Ижтимоий оқим. Оммавий спорт ва юқори натижалар спорти соҳасидаги спортнинг аҳамияти  |
|                     | Спорт тайёргарлиги | 2. Спортчининг муайян натижаларда ифодаланувчи спорт маҳорати ва қобилиятлари кўрсаткичлари  |
|                     | Жисмоний тарбия    | 3. Билим, воситалар, усул ва шароитлардан спортчи ривожланишига йўналтириб таъсир кўрсатишга ҳамда унинг юқори натижаларга зарурий тайёргарлиги даражасини таъминлашга имконият яратадиган ҳолатда мақсадга муваффик равишда фойдаланишининг серкирра жароённи |

|  |                                |  |
|--|--------------------------------|--|
|  | Спортчи-нинг тайёрланиш тизими | 4. Инсоннинг ўзига хос ҳаракат фаоллиги бўйлиб, одатда, расмий мусобакалар шароитида инсоннинг руҳий ва жисмоний кучлари чеграсида амалга оширилади, унинг пировард максади ижтимоий аҳамиятли ва шахсий натижаларни кўрсатишдан иборат. |
|  | Спорт фаолияти                 | 5. Аслида мусобақалашув фаолиятининг ўзи бўлиб, инсон имкониятларини аниқлаш ва маълум қонидалар асосида қиёслашнинг маҳсус соҳаси сифатида жисмоний тарбияда тарихан шаклланган мусобақалар тизими унинг ўзига хос шаклидир.            |
|  | Мусобақала шув фаолияти        | 6. Спортчининг муайян натижаларда ўз ифодасини топган спорт маҳорати ва қобилиятлари кўрсаткичи.   |
|  | Спорт мусобақалари             | 7. Инсоннинг спорт соҳасида максимал согломлашуви ва такомиллашувини таъминлаш бўйича фаолиятининг тартибга солинган ташкилоти.  |
|  | Спорт муваффакиятлари          | 8. Фаолият хусусияти, миқёси, мақсадлари турлича бўлган маҳсус ташкил этилган тадбирлар бўлиб уларнинг иштирокчилари ноантагонистик ракобат асосида қатъий чегараланган шароитларда муайян натижага эришиш учун курашадилар.             |
|  | Спорт ҳаракати                 | 9. Жамият ва шахс маданиятининг таркибий қисми, инсоннинг ҳаракат фаолиятидан ўз ҳолатини яхшилаш ва ривожлантириш, ҳаёт амалиётига жисмоний тайёрланиш омили сифатида унумли фойдаланиши.   |

**2. Жаҳонда энг кенг тарқалган барча спорт турлари беллашув предмети ва ҳаракат фаоллиги хусусиятларига кўра 6 гурухга таснифланади.**

Мазкур гурухларни санаб кўрсатинг. Ҳар бир гурухга кирадиган спорт турларининг номини ёзинг:

- 1-гуруҳ
- 2-гуруҳ
- 3-гуруҳ
- 4-гуруҳ
- 5-гуруҳ
- 6-гуруҳ

**3. Жисмоний машклардан спорт муваффакиятларига тайёргарликнинг энг муҳим воситалари сифатида бевосита фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган спорт турларини санаб беринг.**

**4. «Спортнинг ўзига хос вазифалари ва уларнинг тавсифи» жадвалини тўлдиринг.**

| Спортнинг ўзига хос вазифалари | Вазифаларнинг тавсифи |
|--------------------------------|-----------------------|
|                                |                       |
|                                |                       |
|                                |                       |
|                                |                       |
|                                |                       |

**5. «Спортнинг умумий вазифалари ва уларнинг тавсифи» жадвалини тўлдиринг.**

| Спортнинг умумий вазифалари | Вазифаларнинг тавсифи |
|-----------------------------|-----------------------|
|                             |                       |
|                             |                       |
|                             |                       |
|                             |                       |
|                             |                       |

**6. Жисмоний тарбиячи ва спортчи тушунчаларининг мазмунини очиб беринг.**

| Жисмоний тарбиячи | Спортчи |
|-------------------|---------|
|                   |         |
|                   |         |

7.

- 1) Максимал тезлик;
- 2) куч;
- 3) чидамлилик;
- 4) эгилувчанлик;

5) мувозанат кобилиялтлари, шунингдек жисмоний сифатларнинг бирлиқда намоён бўлишини талаб қиласиган спорт турларини сананг ва жадвалга ёзинг:

| Ушбу сифатлар қўпроқ намоён бўладиган спорт турлари |     |              |            |                         |                           |
|---|-----|--------------|------------|-------------------------|---------------------------|
| Максимал тезлик                                     | Куч | Эгилувчанлик | Чидамлилик | Мувозанат кобилиялтлари | Жисмоний сифатлар бирлиги |
|   |     |              |            |                         |                           |
|   |     |              |            |                         |                           |
|   |     |              |            |                         |                           |

8. «Ҳаммабоп (оммавий) спортнинг асосий йўналишлари ва уларнинг тавсифи» жадвалини тўлдиринг.

| Ҳаммабоп (оммавий) спортнинг йўналиши | Йўналиш тавсифи |
|---------------------------------------|-----------------|
|                                       |                 |
|                                       |                 |
|                                       |                 |
|                                       |                 |

9. «Юкори натижалар спортининг асосий йўналишлари ва уларнинг тавсифи» жадвалини тўлдиринг.

| Юкори натижалар спортининг йўналиши | Йўналиш тавсифи |
|-------------------------------------|-----------------|
|                                     |                 |
|                                     |                 |
|                                     |                 |
|                                     |                 |

10. Спорт натижалари ўсишини таъминлайдиган омилларни сабаб кўрсатинг.

## **18-мавзу: Спорт машғулоти асослари**

### **Назорат тестлари**

#### **1. Спорт тренировкаси бу –**

- a) спорт машқларини, юқори натижага эртисии мақсадида, қайта бажарши;*
- б) режалаштирилган педагогик жараён бўлиб, спортчининг спорт техникаси ва жисмоний сифатларининг ривожланиши;*
- в) шахсий мусобақа фаолияти бўлиб, шу фаолият соҳасида унга тайёргарлик махсус муносабат ва нормалар ҳисобланади;*
- г) спорт соҳасида инсон фаолиятини тартибга туширилган ҳолда ташкилаштиришини тъминлаши;*
- д) спорт турини таомиллаштириши.*

#### **2. Спорт тренировкасининг асосий воситалари:**

- а) танланган (асосий мусобақа машқлари) машқлар;*
- б) махсус тайёрлов машқлари;*
- в) умумий тайёрлов машқлари;*
- г) асосий мусобақа, махсус тайёрлов, умумий тайёрлов машқлари;*
- д) жисмоний машқлар.*

#### **3. Спорт тренировкасининг асосий усуллари:**

- а) қатъий тартибллаштирилган, ўйин, мусобақа усуллари;*
- б) ўйин услуги;*
- в) мусобақа услуги;*
- г) ўзгарувчан машқ услуги;*
- д) кўп серияли, интервалли машқ услуги.*

#### **4. Спорт тренировкасининг қонуниятлари:**

- а) спортчининг умумий ва махсус тайёргарлиги бирлиги;*
- б) юксак кўрсаткичларга интилиши;*
- в) тренировка жараёнининг узлуксизлиги, юклама ва дам олишининг зичланган тартиби, спортнинг умумий ва махсус тайёргарлиги бирлиги, юксак кўрсаткичларга интилиши, талабларнинг аста-секин ва максимал ортиб бориши, тренировка нагрузкаларининг ўзгариши;*
- г) тренировка талабларининг аста-секин ва максимал ортиб бориши;*
- д) тренировка жараёнининг циклилиги.*

**5. Спортчи организмига жисмоний машқлар орқали таъсир кўрса-тилиганда унинг функционал тарзда фаол реакция чакирувчи ҳолати нима дейилади?**

- a) жисмоний тақомиллашув;*
- б) спорт тренировкаси;*
- в) жисмоний тайёргарлик;*
- г) юклама.*

**6. Спортчининг техник тайёргарлик воситаси:**

- а) умумий тайёргарлик машқлари;*
- б) махсус тайёргарлик машқлари;*
- в) мусобақа машқлари;*
- г) умумий тайёргарлик, махсус тайёргарлик, мусобақа машқлари;*
- д) ёрдамчи, ривожлантирувчи машқлар.*

**Назорат тестлари учун танлаган жавобларингизни жадвалга  
(жавоблар варақасига) ёзинг:**

|              |   |   |   |   |   |   |
|--------------|---|---|---|---|---|---|
| Савол раками | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| Жавоб раками |   |   |   |   |   |   |

#### **Мустақил ишлаш учун топшириклар**

**1. Спорт машғулотининг мақсади нима?**

**2. Спорт машғулоти жараённида ҳал этиладиган асосий масалаларни санаб беринг.**

**3. Спорт машғулотининг асосий жиҳатларини (бўлимларни) санаб, уларнинг вазифаларини кўрсатинг.**

|  | Спорт машғулотларининг асосий жиҳатлари | Асосий вазифалар |
|--|---|------------------|
|  |   |                  |
|  |   |                  |
|  |   |                  |
|  |   |                  |

**4. Күйидаги түшунчалар таърифларини бўш колдирилган жойга ёзинг.**

- 1) спорт машғулоти бу - .....
- 2) шугулланганлик бу - .....
- 3) спорт тайёргарлиги бу - .....
- 4) тайёрланганлик бу - .....
- 5) спорт форма бу - .....

**5. Сиз спорт такомиллашуви предмети сифатида танлаб олган спорт фани хусусиятларига мувофик аниқ жисмоний машкларга мисоллар келтиринг.**

| Спорт машғулотининг асосий       | Аниқ жисмоний              |
|----------------------------------|----------------------------|
| Танланган мусобақалашув машклари | 1<br>2<br>3                |
| Махсус тайёрловчи машқлар        | 1<br>2<br>3                |
| Умумтайёрловчи машқлар           | 1<br>2<br>3<br>4<br>5<br>6 |

**6. «Спорт машғулотида умумпедагогик усуллар» жадвалини тўлдиринг.**

| Оғзаки ифодалаш усуллари | Кўргазмали усуллар |
|--------------------------|--------------------|
|                          |                    |

**7. Спорт машғулоти жараёнида спорт техникасини ўзлаштиришда кўлланиладиган усулларни ҳамда жисмоний сифатларни тарбиялашда кўлланиладиган усулларни санаб, уларни жадвалга ёзинг.**

| Спорт техникасини ўзлаштиришга йўналтирилган усуллар | Жисмоний сифатларни тарбиялашга йўналтирилган усуллар |
|--|---|
|  |   |
|  |   |

**8. Спорт машғулотида мусобақалашув усулини күллашда турли мусобақалар расмийларига қараганда мураккаблаштирилган ёки осонлаштирилган шароитда ўтказилиши мумкин. Мусобақа шартларининг мураккаблаштирилиши ва осонлаштирилишига тұрттадан мисол көлтилинг ва жадвалга ёзинг.**

| Мусобақа шартларининг мураккаблаштирилишига мисоллар | Мусобақа шартларининг осонлаштирилишига мисоллар |
|--|--|
| 1  | 1  |
| 2  | 2  |
| 3  | 3  |
| 4  | 4  |

**9. Спорт мусобақалари тамойилларини жадвалга ёзинг ва уларға кіскача тавсиф беринг.**

| Спорт машғулоти тамойиллари | Спорт машғулоти тамойилларига кіскача тавсиф |
|-----------------------------|--|
|                             |  |
|                             |  |
|                             |  |
|                             |  |

**10. Спорт машғулотларининг асосий жиҳатларини тавсифлайдын қуидаги түшунчаларнинг таърифини қолдирилған бўш жойларга ёзинг.**

- 1) спорт техник тайёргарлик бу - .....
- 2) спорт тактик тайёргарлик бу - .....
- 3) жисмоний тайёргарлик бу - .....
- 4) рухий тайёргарлик бу - .....

**11. Барча юкламалар спортчи организмига кўрсатадиган таъсири катталигига кўра 3 турга бўлинади. Жадвалга уларнинг номларини ёзиб, тавсиф беринг.**

| Юкланма тури йўналиши | Юкланма тавсифи |
|-----------------------|-----------------|
|                       |                 |
|                       |                 |
|                       |                 |

**12. Машғулот ва мусобақа юкламаларининг замонавий таснифланишида муайян физиологик чегаралар ва педагогик мезонларга эга бўлган жадалликнинг 5 та зонаси мавжудлиги таъкидланади. Жадвалга ушбу жадаллик зоналарининг номларини ёзиб, уларнинг ҳар бирига тавсиф беринг.**

| Жадаллик зоналари номлари | Алохида жадаллик зоналари тавсифи |
|---------------------------|-----------------------------------|
|                           |                                   |
|                           |                                   |
|                           |                                   |
|                           |                                   |

**13. «Бир машғулот давомида дам олиш ораликлари турлари ва уларнинг тавсифи» жадвалини тўлдиринг.**

| Дам олиш ораликлари тури | Дам олиш ораликлари турига тавсиф |
|--------------------------|-----------------------------------|
|                          |                                   |

**14. Жадвалга жисмоний сифатларни тарбиялашнинг асосий усусларини ёзинг. Уларга кисқача тавсиф ёзинг. Ўзингиз танлаган спорт турида энг кўп кўллайдиган усуулларнингизни алохида кўрсатинг.**

| Жисмоний сифатлар | Жисмоний сифатларни тарбиялаш усууллари | Усуулларнинг кисқача тавсифи |
|-------------------|---|------------------------------|
|                   |   |                              |
|                   |   |                              |
|                   |   |                              |

**15. Алохида спорт машғулоти учун ҳаракатлар тезлигини тарбиялаш услубиятини тузинг (танланган спорт тури мисолида бўлиши мумкин). Топширикни бажариш услубияти:**

- 1) Ушбу вазифанинг самарали бажарилишини таъминловчи воситаларни аниклаш;**
- 2) Уларни услубий жиҳатдан тўғри кетма-кетликда тақсимлаш;**
- 3) Ҳар бир машқни бажариш давомийлиги, дозаланиши (машқни тақорорлаш миқдори), машқлар орасида дам олиш муддати, ҳаракатлар тезлигини ривожлантириш усуулларини кўрсатиш.**

| Машғулот<br>(машқ) мазмуні | Машкни<br>бажариш<br>муддаты | Дозалаш | Дам олиш<br>оралиғи | Харакатлар<br>тезлигини<br>ривожлантириш<br>хусусияти |
|----------------------------|------------------------------|---------|---------------------|---|
|                            |                              |         |                     |   |
|                            |                              |         |                     |   |
|                            |                              |         |                     |   |
|                            |                              |         |                     |   |

**16.** Алохида машғулот учун тезкорлик - күч қобилиятлари услубияттін тузинг (танланған спорт тури мисолида бўлиши мумкин). Топширикни бажариш услубияти:

- 1) Махсус вазифани ҳал этишни энг самарали йўл билан таъминловчи воситаларини аниклаш;
- 2) Уларни услубий жиҳатдан тўғри кетма-кетликда тақсимлаш;
- 3) Ҳар бир машқдан кейинги зўрикишни (максимумга нисбатан % ларда), дозаланишини, машқлар орасидаги дам олиш муддати, тезкорлик - күч қобилиятларини ривожлантириш усувларини кўрсатинг.

| Машғулот<br>(машқ)<br>мазмуні | Қаршлик<br>оғирлиги<br>(максимумга<br>нисб. % да) | Дозалаш | Дам олиш<br>оралиғи | Харакатлар<br>тезлигини<br>ривожлантириш<br>услубияти |
|-------------------------------|---|---------|---------------------|---|
|                               |   |         |                     |   |
|                               |   |         |                     |   |
|                               |   |         |                     |   |
|                               |   |         |                     |   |

**17.** Алохида машғулот учун шахсий күч қобилиятларини тарбиялаш услубияттін тузинг (танланған спорт тури мисолида бўлиши мумкин). Топширикни бажариш услубияти:

- 1) Мазкур вазифанин энг самарали йўл билан ҳал этишни таъсиловчи воситаларини аниклаш;
- 2) Уларни услубий жиҳатдан тўғри кетма-кетликда тақсимлаш;
- 3) Ҳар бир машқнинг тортилиши оғирлигини (максимумга нисбатан % ларда), дозаланишини, машқлар орасидаги дам олиш муддати, шахсий күч қобилиятларини тарбиялаш услубарини кўрсатиш.

| Машгулот<br>(машқ)<br>мазмунни | Қаршилик<br>огирилгиги<br>(максимумга<br>нисб.% ларда) | Дозалаш | Дам олиш<br>оралиғи | Харакатла<br>тезлигини<br>ривожлантириш<br>услубият |
|--------------------------------|--|---------|---------------------|---|
|                                |  |         |                     |   |
|                                |  |         |                     |   |
|                                |  |         |                     |   |
|                                |  |         |                     |   |

18. Алохида машғулот учун әгилувчанликни ривожлантириш услугиятини тузинг (танланган спорт тури мисолида бўлиши мумкин). Топширикни бажариш услугияти:

1) Мазкур вазифани энг самарали йўл билан ҳал этишини таъминловчи воситаларни аниқлаш;

2) Уларни услугий жиҳатдан тўғри кетма-кетлиқда тақсимлаш;

3) Дозаланишини (машқларни тақрорлашлар сони), машқлар орасидаги дам олиш муддати, әгилувчанликни ривожлантириш усулларини кўрсатиш.

| Машгулот<br>(машқ)<br>мазмунни | Тақрорлаш сони | Дам олиш<br>оралиғи | Харакатлар тезлигини<br>ривожлантириш<br>услубияти |
|--------------------------------|----------------|---------------------|--|
| .                              |                |                     | .  |
|                                |                |                     |  |
|                                |                |                     |  |
|                                |                |                     |  |

19. Алохида машғулот учун мувозанат қобилиятларини ривожлантириш услугиятини тузинг (танланган спорт тури мисолида бўлиши мумкин). Топширикни бажариш услугияти:

1) Мазкур вазифани энг самарали йўл билан ҳал этишини таъминловчи воситаларни аниқлаш;

2) Уларни услугий жиҳатдан тўғри кетма-кетлиқда тақсимлаш;

3) Дозаланишини (машқларни тақрорлашлар сони), машқлар орасидаги дам олиш муддати, мувозанат қобилиятларини ривожлантириши усулларини кўрсатиш.

| Машғулот<br>(машқ)<br>мазмуні | Такрорлаш сони | Дам олиш<br>оралиғи | Харакатлар үйғунынгіни<br>ривожлантириш<br>услубияти |
|-------------------------------|----------------|---------------------|--|
|                               |                |                     |  |
|                               |                |                     |  |

## Муаммоли вазиятлари бўлган топшириклар

### «Жисмоний сифатларни тарбиялаш» мавзуси

**1-сонли муаммоли вазият.** (куч қобилиятларини тарбиялаш услубияти). Куч қобилиятларини тарбиялашда энг муҳим муаммолардан бири ташки каршилик (оғирлик) катталигини танлаш муаммосидир. Машғулотларнинг вазифаси шуғулланувчиларда абсолют (мутлок) кучни тарбиялашдан иборат эди. Мазкур вазифани амалга ошириш учун мураббий (тренер) қуидаги услубиятни кўллаган:

- 1) Асосий восита қатъий чегараланган хусусиятли машқлар;
- 2) Қаршилик чекланмаган оғирлиги, машқларни бажаришнинг ўртача суръати, бир кўринишда машқларни максимал микдорда такрорлаш. Катта тест ўтказилганидан бир канча вақт ўтгач, у мутлок куч арзимас даражада ўсганини, куч чидамлилиги кўрсаткичлари эса сезизларли ошганини қайд этди.

**1-топширик.** Мураббийнинг услубий хатосини аникланг.

**2-топширик.** Мазкур услубиятда ўзингиз сезган хатоларингизни тузатинг. Жавобингиз тўғрилигини асослаб беринг.

**2-сонли муаммоли вазият** (куч қобилиятларини тарбиялаш услубияти).

Куч қобилиятларини тарбиялаш услубиятидаги асосий услубий йўналишлардан бири чекланмаган қаршиликларни такрорлашларнинг чегараланган микдори билан ёпишдан иборатдир. Ўкув машғулотларни ташкил этиш жараёнида ўқувчиларда шахсий – куч қобилиятларини мутолаа кучни тарбиялаш муаммоларини ҳал этишда “А” ва “Б” мураббийлар турли услубиятни кўлладилар. “А” мураббий ўз услубияти асосига чекланмаган қаршиликларни чекланган микдорда такрорлаш усулини кўйди. «Б» мураббий эса машғулотларда қаршиликларнинг чегаравий ва чегара олди оғирликларидан фойдаланди, такрорлашлар сони эса бир уринишда 1-2 мартани ташкил этди. Маълум муддат ўтгач, шуғулланувчилар мазкур услубиятлар асосида

ўз мураббийларида тест топширдилар. «Б» мураббий қўл остида шугулланувчиларда шахсий куч сифатларининг ўсиши “А” мураббий кўлида шугулланувчиларнинг кўрсаткичларидан юқори эканлиги маълум бўлди.

**Топширик.** Аникланг ва асослаб беринг:

1) Шугулланувчилар кўрсаткичларидағи тафовутнинг сабаби нимада?

2) Чегаравий ва чегара олди оғирликлар билан ишлаш услугиятидан фойдаланиш чекланмаган қаршиликлардан чекланган микдорда такрорлаш услугиятига қараганда ҳаракат фаолиятини шакллантиришда яхшироқ самара беришига сабаб нима ва буни қандай изоҳлаш мумкин?

**3-сонли муаммоли вазият** (тезкорликни ривожлантириш услугияти). Енгил атлетикачиларда стартдаги ўқ узишга жавоб ҳаракати тезлигини тарбиялаш вазифасини ҳал этиши чогида мураббий ушбу тезлик кўрсаткичлари турғунлиги ва тўхтаб қолганлигига гувоҳ бўлди. Ушбу турғунликни йўқотиш, жавоб ҳаракати тезлигини ошириш зарурати билан мураббийнинг бунга қандай эришиш йўлини билмаслиги орасида зиддият юзага келди.

**Топширик.**

1) Стартдаги ўқ узишга жавоб ҳаракати тезлиги кўрсаткичини яхшилаш йўлларини топинг;

2) Старт тезланишини бажаришдан фарқланадиган яна қандай йўлдан фойдаланиб, оддий жавоб ҳаракати тезлиги кўрсаткичларини яхшилашга эришиш мумкинлигини аникланг. Жавобингиз тўғрилиги-ни асослаб беринг.

**4-сонли муаммоли вазият** (тезликни тарбиялаш услубияти). Ҳар хил тренерлар томонидан ишлаб чиқилган тезликни тарбиялаш услубиятида турли зиддиятлар кўзга ташланади. Уларнинг бири куйидагича: бир томондан, бирор бир ҳаракатни бажариш тезлигини ошириш учун уни қайта-қайта такрорлаш керак. Иккинчи томондан, кўп такрорлашлар ҳаракат динамикаси стреотипининг юзага келишига сабаб бўлади. Натижада, ҳаракат ўлчашлари турғунлашуви ҳодисаси юз беради. Бунинг устига, факат маконий эмас, замоний, яъни вакт билан боғлик хусусиятлар ҳам ўзгаради, буларда тезлик тўсиги пайдо бўлади. Тезликнинг турғунлашуви тезлик имкониятларини оширишга ҳалал берадиган бош сабабчидир.

**Топширик.** Муаммони аниклаб, уни ҳал этиши йўлларини кўрсатинг.

**5-сонли муаммоли вазият.** (тезликни тарбиялаш услубияти). Мураббий ҳаракат тезлигини ошириш максимал мушак кучининг (шахсий - куч қобилияtlарининг) даражасини кўтаришга боғлик эканни билган ҳолда шахсий - куч қобилияtlарини ўхшатиб ривожлантириш усулини қўллади. Бир қанча вакт ўтгач, у шугулланувчиларнинг тезлик қобилияtlарида ўсиш кузатилмаётганини сезди. Бундан ташки, уларда ҳатто тезлик кўрсаткичлари бир оз пасайган ҳам эди.

**Топширик.** Бу ҳодисанинг сабабини аникланг, ўкувчиларнинг тезлик кўрсаткичларини яхшилаш учун мураббий машгулотлари услубиятига қандай таҳир киритиш лозимлигини айтинг.

**6-сонли муаммоли вазият** (тезликни тарбиялаш услубияти) Мураббий тезликни тарбиялаш жараёнида техник тайёргарлик муаммоларини ҳал килар экан, ўрганилаётган ҳаракатни максимал тезлик билан бажариладиган топшириклари бўлган услубиятни кўл-лади. Бир қанча вактдан кейин ҳаракат фаолияти техникасида сезиларли ҳатолар пайдо бўлганини, тезлик тўёсиғи юзага келганини пайқади.

**Топширик.** Муаммони аникланг ва уни ҳал этиш йўлларини кўрсатинг.

**7-сонли муаммоли вазият.** Қуйидаги матнни ўрганинг: «Тезликни тарбиялаш услубиятлари такрорий, такрорий-ўсиб борувчи, ўзгарувчан (тезланишлар ўзгариб турувчи) машқ усуллари кенг тарқалган. Асосий интилиш - машғулотда ўз максимал тезлигини оширишга ҳаракат қилиш. Барча усулларнинг хусусиятлари (масофа узунлиги, бажариш суръати, дам олиш танаффуслари орасидаги муддат, такрорланиш сони ва бошқалар) шунга бўйсундирилган. Масофа узунлиги (бажариш давомийлиги) шундай танланадики, ҳаракатланиш тезлиги (иш суръати) уриниш сўнгига бориб сусайиб қолмасин. Ҳаракатлар максимал тезликда бажарилади, шугулланувчи ҳар бир уринишда, одатда, ўзи учун энг яхши натижани кўрсатишга интилади. Уринишлар оралиғидаги танаффуслар шундай каттаки, бу нисбатан тўла тикланишни таъминлайди. Ҳаракат тезлиги такрорланган сари пасайиб кетмаслиги керак. Маълумки, бевосита тезлик машқи бажарилганидан кейин МАТ (ЦНС) таъсирчанлиги кўтарилиган бўлади, кейин эса аста-секин пасаяди. Агар факат шу кўрсаткичга эътибор қилинса, дам олиш танаффуслари унчалик узок бўлмаслиги мақсадга мувофиқ эди. Чунки бунда марказий асаб тизимининг таъ-

сирчанлиги, айтарли, пасайишга улгурмасди. Шунда ҳар бир кейинги такрор МАТнинг юқори таъсиричанлик даражасига тўғри келади, бу эса энг юқори тезликка эришишга ёрдам беради. Аммо тезлик машқларининг бажарилиши у ёки бу даражада сезиларни кислород қарзининг пайдо бўлиши билан боғлик, уни йўқотишга бир неча дақиқалаб вақт керак бўлади. Бошқа физиологик кўрсаткичларнинг тикланиши (конда СО<sub>2</sub> микдори, ўпкадаги ҳаво айланиси ва бошқалар) ундан ҳам кўп вақтни олиши мумкин. Шунинг учун машқларни кичкина танаффуслар билан такрорлаш тезликнинг жуда кўп пасайишга олиб келади.

**Топшириқ.** Кўпгина мураббийлар ҳаракат тезлигини тарбиялаш жараёнида танаффуслари давомийлиги олдинда турган ишга боғлик ҳолда бор йўғи 2-3 дақиқадан 4-12 дақиқагача бўлган хусусиятлардан фойдаланадилар. Тушунтириб беринг, нима учун?

**8-сонли муаммоли вазият.** Икки мураббий сухбатлашаётib, баҳслашиб қолди. «А» мураббий фикрича, айланма машғулот усулини факат жисмоний сифатларни тарбиялаш учун кўллаш мумкин. «Б» мураббийнинг нуктаи назарига кўра эса, айланма машғулот ҳаракат фаолиятини такомиллаштириш ҳолларида ҳам, айни вақтда жисмоний сифатларни тарбиялаш учун кўлланилади.

**Топшириқ.** Улардан қай бири ҳақлигини аникланг.

### 19-мавзу: Спорт тайёргарлиги жараёнини тузиш асослари

#### Назорат тестлари

1. Спорт тренировкасининг йиллик цикли куйидаги даврларга бўлинади?

- a) тортувчи, базали, қайта тикловчи;
- б) тайёргарлик, мусобақа ўтиши;
- в) машғулоти ва мусобақали;
- г) кузги, қишики, баҳорги, ёзги;
- д) мусобақаолди, мусобақа.

2. Спорт тренировкасининг кўп йиллик тайёргарлигини асосий самарадорлик критерияси:

- а) ҳаракат кўнкима ва малакасининг максимал фонди;
- б) жисмоний сифатларнинг юқори ривожланиши даражаси;

- в) спортчини саломатлиги;
- г) юқори спорт натижса, шу спорт тури бўйича ёш чегарасининг оптимал даражасига эришиш;
- д) жисмоний ривожланни даражаси.

3. Ёш даврларида жисмоний сифатларни, психологик, тарбиявий жараёнларни энг кўп ўсиш даври нима дейилади?

- а) мактабгача;
- б) мактаб;
- в) сенситив;
- г) базали;
- д) ривожланни.

4. Тренировка цикллари бўйича спорт тайёргарлигини оширувчилар куйидагилардан қайси бири:

- а) тренировка, мусобақа, қайта тиклаш;
- б) микроциклар, мезоцикллар, макроциклар;
- в) жорий, кунлик, босқичли цикллар;
- г) тайёрлов, мусобақа, ўтиши циклари;
- д) зарбдор, тортувчи кучлар.

**Назорат тестлари учун таилаган жавобларнингизни жадвалга  
(жавоб варакасига) ёзинг:**

|              |   |   |   |   |
|--------------|---|---|---|---|
| Савол рақами | 1 | 2 | 3 | 4 |
| Жавоб рақами |   |   |   |   |

#### **Мустакил ишлаш учун топшириклар**

1. Кўп йиллик спорт машғулотини оқилона қуриш бир қатор омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Мазкур омилларни санаб беринг:

2. Спортчининг кўп йиллик машғулотлари жараёни ва мусобакалари учун асос бўладиган услубий коидаларни санаб беринг.

3. Ёш спортчиларда жисмоний сифатлар ривожланадиган сенситив (таъсирчан) даврларни жадвалда (+) белгиси билан кўрсатинг.

| Жисмоний сифатлар         | Ёши йил |   |   |   |   |   |   |   |   |    |    |    |    |    |    |    |    |
|---------------------------|---------|---|---|---|---|---|---|---|---|----|----|----|----|----|----|----|----|
|                           | 1       | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 |
| Куч (максимал)            |         |   |   |   |   |   |   |   |   |    |    |    |    |    |    |    |    |
